

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03./30.04.2021.F.76.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МИРАХМЕДОВ ЖАХОНГИР МУХСИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ  
ХАВФСИЗЛИК СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ТАРИХИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philosophical Sciences**

**Мирахмедов Жахонгир Мухсинович**

Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини  
таъминлашда тарихий онгинг аҳамияти..... 3

**Мирахмедов Джахангир Мухсинович**

Роль исторического сознания в обеспечении стратегии национальной  
духовной безопасности Узбекистана ..... 23

**Miraxmedov Jaxangir Muxsinovich**

The role of historical consciousness in ensuring the strategy of the national  
spiritual security of Uzbekistan..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03./30.04.2021.F.76.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МИРАХМЕДОВ ЖАХОНГИР МУХСИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ  
ХАВФСИЗЛИК СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ТАРИХИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Fal217 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кўчқоров Ваҳоб Ҳошимович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғофуров Низомжон Октябрович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Мухтаров Азамат Мухторович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети хузуридаги PhD.03/30.04.2021.F.76.06 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «30» 03 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81)

Диссертация автореферати 2022 йил «26» 03 куни тарқатилди.  
(2022 йил «24» 02 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



**Р.Т. Жўраев**  
Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., доцент

**Қ.О. Маҳкамов**  
Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

**А.М. Мирзахмедов**  
Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё микёсида давлатларнинг стратегик фаолият йўналиши сифатида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш муҳим ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Бугунги мураккаб глобал ўзгаришлар шароитида шахс, жамият ва давлатнинг ташқи ва ички ўзига хос таҳдидлардан миллий-тарихий қадриятлар асосида ўз-ўзини ҳимоя қилиш механизмларини янги амалий талаблар асосида ишлаб чиқиш зарурати ортмоқда. Шу боисдан ҳам глобал таҳдидлар кучайган бир шароитда кишилар, айниқса, ёшлар тарихий онгини янада юксалтириб бориш шахс маънавий хавфсизлигини таъминлашда устуворлик касб этади. Миллий маънавиятнинг негизи бўлган тарихий онгни ривожлантириш муаммоларини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этиш, мамлакатдаги маънавий-маданий хавфсизлик тизимини тартибга солишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Бутун дунёда тарихий онг ва уни янги талаблар асосида ривожлантириш тенденцияларини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида ўрганиш ҳамда миллий манфаатларни объектив равишда индивидуал эҳтиёжлар этиб белгилайдиган стратегик таракқиёт дастурларини ишлаб чиқиш, улар асосида миллий-маънавий хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай воситаларни профилактика чоралари тизими орқали бартараф этиш мумкинлиги, ижтимоий ҳаётдаги янги тарихий шароит, маънавий эҳтиёжлар ва уларнинг рўёбга чиқиши учун кенгроқ имкониятларни юзага келтириш зарурати ҳақида муҳим хулосалар илгари сурилмоқда. Айниқса, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашда тарихий онгнинг ўрни ва аҳамиятини оширувчи омилларни аниқлаш, ёшларнинг тарихий онгини янги таълим тизими ва интеллектуал ресурслар асосида шакллантиришнинг методологик усулларини ишлаб чиқиш, келажақда тарихий онгнинг ижтимоий-маданий асосларини тадқиқ этиш сингари бир қатор илмий-амалий ва инновацион ёндашувларни жамият ҳаётига кенг тадбиқ қилиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда.

Мамлакатимиз миллий-маънавий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси ва аҳоли, хусусан, ёшлар тарихий онгини юксалтиришда уларнинг ўзини ўзи англаш даражаси, таълим, тарихий ва маданий меросга бўлган ўзига хос муносабатини шакллантириш жамият учун эътиборталаб масала ҳисобланади. Шунингдек, миллий-маънавий хавфсизликни ижтимоий манфаатларнинг ўзаро мувозанати, тарихий онгнинг сиёсий институтлар, мафкура ва бошқа омиллар билан алоқадор жиҳатларини, ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш муҳим стратегик омил бўлиб хизмат қилмоқда. «Хусусан, миллий ўзликимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019 – Б. 38.

муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, «Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур»<sup>2</sup> деган фикрлар муаммонинг қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатмоқда. Бугунги кунда маънавий таҳдидлардан химояланишгина эмас, уларга қарши «маънавий жасорат» билан кураша олиш салоҳиятини ёшларда шакллантириш эҳтиёжи тарихий онгга, миллий ўзликни англашга нисбатан бўлаётган таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»<sup>3</sup>, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади<sup>4</sup>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жамиятда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ва тарихий онг муаммоси буюк мутафаккир аждодларимизнинг асарларида, тарихий манбаларда ҳам муҳим ўрин тутган. Бу борада Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур<sup>5</sup> ва бошқа мутафаккирларнинг маънавий-ахлоқий таълимотларида инсон ва унинг маънавий оламига жамият ҳаётининг устувор амаллари негизи сифатида қаралади. Жумладан, Имом Бухорий «Боланинг табиати исломий бўлади, уни

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш. М. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. //Халқ сўзи.-2021.-20 январь.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 26. – Б.40.

<sup>4</sup> Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

<sup>5</sup> Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ»<sup>6</sup> дейди. Абу Наср Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмаслиги, ҳамиша бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаги ёки муносабатларига муҳтож бўлишини таъкидлайди. Ана шу жараёнда инсон фазилатларини камол топтириш ҳақида қуйидаги фикрларни илгари суради: «Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам бахтли ҳисобланади»<sup>7</sup>. Абу Райҳон Беруний инсон ҳаётига дахл қилувчи хавф-хатарлар ҳақида фикр юрита туриб, улар кўп ҳолларда ёвуз ниятда қилинишини қайд этган<sup>8</sup>. Унга ҳамоҳанг тарзда Абу Али ибн Сино хавф-хатарларни бартараф этишда тарбия омилига таянишни таъкидлайди<sup>9</sup>. Мазкур муаммоларга дахлдор қарашларни таҳлил қилган Юсуф Хос Ҳожиб «Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш»<sup>10</sup>, деб инсон маънавий фазилатлари моҳиятини очиб беради.

Муаммонинг ўрганилиш тарихи нуқтаи назаридан Ғарбий Европалик жамиятшунос ва файласуф олимлар З.Бжезинский, Э. Гидденс, М.Сасаки, С.Хантингтон, Э.Фромм, Ф.Хайек, М.Хоркхаймер, А.Тойнби, Ф.Фукуяма, П.Ж.Бьюкенен<sup>11</sup> асарларида глобаллашув жараёнларининг маънавий хавфсизликни таъминлаш тизими, жамият ва инсоннинг маънавий қиёфасини белгиловчи диалектик тенденциялар борасида муҳим илмий-концептуал қарашлар илгари сурилган. Уларда ғоявий тарбия жараёнида шахснинг табиий-биологик, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш пировард мақсадга эришишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бу борада Ғарбда бир неча мумтоз психология оқимлари мавжуд. Жумладан, З.Фрейд таълимотига кўра ёшларнинг психофизиологик шаклланишида оилавий тарбия катта роль ўйнайди<sup>12</sup>. Т.Парсонс фикрича, ёшларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари вақтинчалик функционал босқич бўлиб, бу даврда улар мавжуд ахлоқий меъёрларни ўзлаштирадilar<sup>13</sup>. К.Маннгейм эса асосий эътиборни ёш авлодда ижтимоий тажрибанинг шаклланишига ва уларнинг катта авлоддан фарқини тадқиқ этишга қаратади<sup>14</sup>.

<sup>6</sup> Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 16.

<sup>7</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – Б. 38.

<sup>8</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 68.

<sup>9</sup> Абу Али Ибн Сина. Избранные философские произведения. – Москва: Наука, 1980. – С. 43.

<sup>10</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 2017. – Б. 103.

<sup>11</sup> Бжезинский З. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы) Перевод О.Ю. Уральской. – М.: Международные отношения, 1998. – С. 254.; Giddens A. Runaway world: How Globalisation is Reshaping Our Live. – Ntw York .Routliege. 2000. – P. 104.; Masamichi Sasaki. Globalization and National Identity in Japan // Internatonal Journal of Japanese Sociology, 2004. № 13. – P. 69-87.; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. - М.:АСТ, 2021. – 576 с.; Фромм Э. Искусство быть. - М.: Из-во АСТ, 2021. - 224 с.; Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. - Москва: Социум, 2021. - 432 с.; Хоркхаймер Макс, Адорно Теодор. Культурная индустрия . Просвещение как способ обмана масс. Minima. Вып.20. Пер. с немецкого Т.Зборовской. Пред. Б.Гройса Москва. Ad Marginem. 2016. - 104 с.; Тойнби А. Дж. Постижение истории / Пер. с англ. - Москва Академический проект, 2021. – 802 с.; Фукуяма Ф., Бродель Ф. Триумф глобализма. Конец истории или начало? Пер. с англ. Москва Родина 2020. 240с.; Бьюкенен Патрик. Самоубийство сверхдержавы. Пер. с англ. К.М.Королев. Серия: Политика. - М., АСТ, 2016. 640 с.

<sup>12</sup> Фрейд Зигмунд, Юнг Карл. Опасные желания. Что движет человеком?. М. Родина 2020. - 288с.

<sup>13</sup> Парсонс Т. О структуре социального действия. - М.: Академический проект, 2018. 435 с.

<sup>14</sup> Манхейм Карл Избранное. Диагноз нашего времени. — М.: Юристъ, 1994. — 704 с.

Булардан ташқари, глобаллашув жараёни, мафкуравий глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизлик масаласи, ахборот омилининг ўрни каби масалалар талқинига бағишланган П.И.Чижик, А.В.Тонконогов, А.Н.Сыроваткин, А.В. Харсеева, А.Б.Жбанков, Р.А.Каменская, А.И.Панюков, Д.К.Куликов, Н.Н.Свирида, В.Х.Кучкаров, А.К.Скепкина<sup>15</sup> каби замонавий хорижлик мутахассисларнинг илмий изланишларини келтириш ўринли. Шунингдек, жамият миллий-маънавий хавфсизлигини таъминлашда тарихий онг трансформациясини шакллантиришнинг маърифатпарварлик илдизлари Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон<sup>16</sup> каби жаҳид намоёндаларининг қарашларида ҳам алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаш зарур.

Бунга маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг «Илм, ахлоқ ва ҳаракат – ёшлар учун зийнатдир»<sup>17</sup>, деган фикри ҳамда Абдурауф Фитратнинг оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга доир мулоҳазалари мисол бўлади<sup>18</sup>. Мазкур таълимотлар миллий-маънавий қадриятларимизнинг ўзига хос концептуал негизларини ташкил қилади.

Жамиятда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ва тарихий онгни юксалтиришнинг назарий-методологик асослари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари ва асарларида эътиборга олиниб, сайёраимизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларда ўз ифодасини топган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, унинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлиги, ҳал қилувчи куч эса енгилмас, юксак маънавиятли шахс тимсолида намоён бўлишини ҳар жиҳатдан асослаб берган.

---

<sup>15</sup> Чижик П.И. Духовная безопасность российского общества как фактор военной безопасности государства: диссертация ... доктора философских наук. - Москва, 2000. - 408 с.; Тонконогов А.В. Духовная безопасность российского общества в условиях современного геополитического соперничества : социально-философский анализ : диссертация ... доктора философских наук. - Москва, 2011. - 393 с.; Сыроваткин А.Н. Деструктивное влияние нетрадиционных религиозных движений на духовную безопасность современного российского общества : диссертация ... кандидата философских наук. - Пятигорск, 2013. - 170 с.; Харсеева А.В. Духовные аспекты национальной безопасности современной России : диссертация ... кандидата философских наук. - Краснодар, 2006. - 171 с.; Жбанков А.Б. Духовное развитие общества как фактор национальной безопасности : диссертация ... кандидата философских наук. - Москва, 2010. - 174 с.; Каменская Р.А. Историческое сознание : диссертация ... кандидата философских наук. - Волгоград, 1999. - 119 с.; Панюков А.И. Историческое сознание : Сущность, структура, тенденции развития, методол. анализ. - Красноярск, 1995. - 128 с.; Куликов Д.К. Историческое сознание как социокультурная универсалия : автореферат дис. ... кандидата философских наук. - Ростов-на-Дону, 2008. - 31 с.; Свирида Н.Н. Историческое сознание как явление культуры : диссертация ... кандидата философских наук. - Омск, 2004. - 151 с.; Кучкаров В.Х. Историческое сознание и культура межнационального общения : диссертация ... кандидата философских наук. - Душанбе, 1994. - 160 с.; Скепкина А.К. Гносеологические аспекты структурирования исторического сознания : диссертация ... кандидата философских наук. - Барнаул, 2009. - 143 с.

<sup>16</sup> Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

<sup>17</sup> Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 32.

<sup>18</sup> Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 112.



Мустақиллик шарофати билан жамият миллий-маънавий хавфсизлигини таъминлаш ва тарихий онг ҳамда тарихий хотирани юксалтириш омиллари, бу жараёнда миллий таълим-тарбия тизими, маҳалла ва оила институтларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, хусусан, мамлакатамизнинг етакчи олимлари С.Отамуротов, Қ.Назаров, Н.Жўраев, И.Эргашов, Ў.Абилов, С.Мамашокиров, М.Имомназаров, А.Эркаев, М.Қуроноф, А.Бегматов, А.Очилдиев, Д.Саъдуллаев, Б.Тўйчиев, М.Қирғизбоев, Т.Алимардонов, А.Мухтаров, У.Идиروف, А.Қодиров, М.Жакбаров, В.Қўчқоров, А.Ўтамуродов, Ш.Тўраев, М.Абдуллаева, М.Маҳмудов, Ф.Равшанов, О.Сафаров, Р.Умурзакова, М.Халматова, С.Шермухамедов, М.Қаҳҳарова, Т.Эгамбердиевлар томонидан олиб борилган<sup>19</sup>.

Шу жумладан, маънавий ислохотлар стратегияси, мафкуравий жараёнлар, ғоявий таҳдидлар, халқаро тўқнашувлар ва зиддиятлар, ёшлар тарбиясида миллий-ахлоқий кадриятларнинг ўрни ва мафкуравий-сиёсий муаммоларнинг таҳлили Ҳ.Аҳмедов, Ф.Жўрақулов, М.Мухаммадсиддиқов, Н.Қалқоноф, М.Мусаев, Ш.Мавлонов, Ў.Шакаров, Э.Юсуповаларнинг илмий изланишларида, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш шароитида мамлакатимиз ёшларининг тарихий хотираси ва тарихий онгини ривожлантириш зарурати, ўқувчи ёшлар тарихий онгининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини ўрганиш, уларда тарихий онг янгиликларининг социал омилларини аниқлашга доир муҳим масалалар Ф.Х. Юлдашева, А.Т. Эшмурадов, М.Н. Меликова, Қ.О. Маҳкамов каби олимлар илмий тадқиқотларида олға сурилган<sup>20</sup>.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини таъминлашда тарихий онгининг аҳамиятига алоқадор илмий-фалсафий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги даврда кундан кунга ривожланиб, янги шакл ва усулларда намоён бўлаётган миллий-маънавий хавфсизлик ва тарихий онгни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганилмаган. Шу боисдан ҳам биз мазкур тадқиқотда Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини таъминлашда тарихий онгининг аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратганмиз.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №-01-сон «Инновацияларни ижтимоий фанларни ўқитиш таълим тизимида жорий этишда муаммо ва ечимлари (2019-2029 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини таъминлашда тарихий онгининг аҳамиятини очиб беришдан иборат.

<sup>19</sup> Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

<sup>20</sup> Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да берилган.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий-маънавий хавфсизлик контекстида тарихий онгнинг категориал муаммоларини тадқиқ этиш ва унинг изчил, барқарор, нисбатан консерватив, демократик, танқидий, рационал ва иррационал, диалектик ва синергетик мазмун-моҳиятини очиб бериш;

глобаллашув шароитида маънавий хавфсизлик, тарихий онг ва тарихий хотиранинг жамият ижтимоий-маданий инқирозининг олдини олишдаги ўрни, миллий ўзликни асрашнинг маънавий-ахлоқий даражаларини аниқлаш ҳамда уни ривожлантиришда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш стратегиясининг ролини ёритиб бериш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нуктаи назаридан маънавий-мафкуравий таҳдидлар, ғоявий курашларнинг миллий-маънавий хавфсизлик контекстида тарихий онгга таъсири, миллий-маънавий хавфсизликни такомиллаштиришнинг самарали йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш заруратини асослаш;

мамлакатимиз миллий-маънавий хавфсизлигига хавф солиб турган ички ва ташқи таҳдидлар олдини олиш ва Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик стратегияси концепцияси лойиҳасини ҳамда миллий тарихий онгнинг ривожланиш истиқболларини таъминлашга доир назарий хулосалар ва амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик стратегияси ҳамда бу жараёнда тарихий онгнинг аҳамиятини очиб берувчи омиллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида тарихийлик, мантиқийлик, контент-анализ, қиёсий, институционал таҳлил, синтез, тизимлилик, эмпирик ва фактор таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий-маънавий хавфсизлик тизими ўзгараётган бугунги социал жараёнларда тарихий онгнинг яхлитлигини таъминлашга асосий йўналтирувчи куч вазифасини ўтаб берувчи факторларнинг ўзаро алоқадорлиги, объективлиги, тизимлилиги, мантиқийлиги асосида анъанавийлик, яратувчанлик, моделлаштиришга таяниши очиб берилган;

глобаллашув шароитида жамиятдаги ижтимоий-маданий инқирозларнинг олдини олишга қаратилган ҳамда миллий-тарихий дунёқарашнинг ижтимоий-маънавий асосларини ривожлантиришни юзага чиқарадиган маънавий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий хулқ-атвор, қадриятлар, квантификация, маърифий кузатувлар каби ижтимоий парадигмалари фалсафий жиҳатдан асосланган;

миллий-маънавий хавфсизлик стратегияси бугунги ижтимоий-социал ўзгаришлар системалашуви шароитида ҳаёт суръатларининг тезлашуви, глобаллашуви ва модернизацияси уйғунлигида тўғридан тўғри тарихий билимларга, тарихий фактларга, жараёнларнинг динамик ўзгаришига,

тафаккур технологияларининг мослашувчан методологиясига таяниши далилланган;

тарихий онг ва тарихий билимларни замонавий ижтимоий-фалсафий фанлар категорияси сифатидаги ўзига хос, акцеологик, уникал-функционал, инновацион, инклюзив хусусиятлари очиб берилган ҳолда унинг мафкуравий, тарихий ва биографик жиҳатдан ўзгариб бориши тарихий объектив ва субъектив омиллар (миллий ўзлик, маънавий хавфсизлик, маданий инқироз, ғоявий кураш, ахлоқ мувозанати)га асосланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

миллий-маънавий хавфсизлик стратегияси ва тарихий онгнинг жамият ҳаёти жараёнининг бевосита имманент характеристикаси эканлиги илмий-фалсафий жиҳатдан асосланган;

миллий-маънавий хавфсизликнинг тарихий онг ва урф-одат ўртасидаги ўзаро муносабатлар диалектикаси ишлаб чиқилган;

миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлган тарихий онгни тизимли тарзда қабул қилиш зарурати, миллий-маънавий, маданий талаблари асосида маънавий экспертиза тизимини жорий қилиш ҳамда баҳолаш индикаторларини қўллаш тизими исботланган;

тарихий онг концепциясининг миллий-маънавий хавсизлик билан боғлиқ вақт ва фазовий ўзгарувчанлиги, тарихий ривожланиши ўзига хослигининг объектив ва субъектив жиҳатлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган рисола ва қўлланмалар, тадқиқотларда тасдиқланган, тадқиқот хулосалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилгани билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот ишида илгари сурилган концептуал ғоялардан фуқароларда тарихий онгни ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғояни самарали тарзда ёшлар онгига сингдириш бўйича ўтказиладиган турли тадқиқотлар, методологик ёндашувларни такомиллаштириш, қолаверса, маданий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда назарий асос сифатида фойданиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида «Фалсафа», «Ўзбекистон тарихи», «Тарбия» каби фанларни ўқитишда, миллий-маънавий хавфсизлик, тарихий онг ва тарихий хотирани юксалтириш муаммоларини ҳал этиш ҳамда жамиятда миллий хавфсизлик стратегиясини таъминлаш масалалари билан бевосита шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари, диний

идоралар, илмий тадқиқот марказлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини таъминлашда тарихий онгнинг аҳамиятини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ҳамда тадқиқот натижалари асосида:

миллий-маънавий хавфсизлик тизими ўзгараётган бугунги социал жараёнларда тарихий онгнинг яхлитлигини таъминлашга асосий йўналтирувчи куч вазифасини ўтаб берувчи факторлар ўзаро алоқадорлиги, объективлиги, тизимлилиги, мантикийлиги асосида анъанавийлик, яратувчанлик, моделлаштиришга таяниши очиб берилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган А-1-099-рақамли 2015-2017 йилдаги «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» мавзусидаги лойиҳа доирасида 2017 йилда Фарғона нашриёти томонидан нашр этилган «Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби» номли ўқув-услубий қўлланманинг «Маънавий янгиликлар ва уларнинг замонавий баркамол инсон тарбиясига таъсири» номли 3-бобини тайёрлаш ва нашр этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4201-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, ёшларнинг миллий маънавиятини юксалтиришда тарихий онгнинг ўрни ҳамда тарихий хотирани мустаҳкамлашнинг маънавий-ахлоқий тамойилларини ривожлантиришга хизмат қилган;

глобаллашув шароитида жамиятдаги ижтимоий-маданий инқирозларнинг олдини олишга қаратилган ҳамда миллий-тарихий дунёқарашнинг ижтимоий-маънавий асосларини ривожлантиришни юзага чиқарадиган маънавий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий хулқ-атвор, кадриятлар, квантификация, маърифий кузатувлар каби ижтимоий парадигмаларининг фалсафий жиҳатдан системали ва комплекслигини таъминлашда «Ибрат мактаби», «Хонадон файзи», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Донишмандлик фасли» каби туркум тарғибот тадбирларда, «Маҳаллада ёшлар билан мулоқот» мавзусида ёшлар билан учрашувлар ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2021 йил 6 январдаги 02-02/29-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда миллий кадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш куриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш билан бирга ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишга хизмат қилган.

миллий-маънавий хавфсизлик стратегияси бугунги ижтимоий-социал ўзгаришлар системалашуви шароитида ҳаёт суръатларининг тезлашуви,

глобаллашуви ва модернизацияси уйғунлигида тўғридан тўғри тарихий билимларга, тарихий фактларга, жараёнларнинг динамик ўзгаришига асосланган тафаккур технологияларининг мослашувчан методологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқининг сардорлар кенгашлари, иттифоқнинг олий таълим муассасалари, вазирлик ва идораларидаги ёшлар етакчилари учун ўқув семинарларда, маърузаларда илмий ва амалий манба сифатида диссертация материалларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 23 ноябрдаги 04-13/27-82-сон маълумотномаси) Натижада ёшлар тарбиясидаги ахлоқий-меъёр, ахлоқий мезон маданияти тарихий онгни юксалтириш борасидаги фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тарихий онг ва тарихий билимларнинг замонавий ижтимоий-фалсафий фанлар категорияси сифатидаги ўзига хос, акцеологик, уникал-функционал, инновацион, инклюзив хусусиятлари очиб берилган ҳолда унинг мафкуравий, тарихий ва биографик жиҳатдан ўзгариб бориши тарихий объектив ва субъектив омиллар (миллий ўзлик, маънавий хавфсизлик, маданий инқироз, ғоявий кураш, ахлоқ мувозанати)ни очиб беришга доир хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар» бешинчи устувор йўналаши 5.1. банди «Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор дастурининг V боб «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари» 22-банди «Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, жамиятдаги жипслик ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда хорижий давлатлар, хусусан, Германия, Туркия ва Япония давлатлари тажрибасини ўрганиш ва рисола тайёрлаш» мавзусида ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 25 сентябрдаги 02-07-822-сон маълумотномаси) Натижада, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, кадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш, аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (улардан 3таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Миллий-маънавий хавфсизлик контекстида тарихий онгни юксалтириш муаммоларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида миллий-маънавий хавфсизлик ва тарихий онг тушунчаларининг мазмуни, илмий қарашлар, шу билан бирга, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганишда ижтимоий онг шакллари билан боғлиқ жиҳатлари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

«Миллий-маънавий хавфсизлик» ва «Тарихий онг» тушунчаси ижтимоий-гуманитар фанлар доирасига киритилганидан буён унинг мазмуни ва предмет доираси кенгайиб давлат, жамият ва инсон маънавий муносабатларининг узлуксиз такомиллашуви бу борадаги ижтимоий-фалсафий қарашларнинг ривожланишига олиб келди. Хусусан, бизнинг тадқиқот мавзуимиз доирасида: ижтимоий-фалсафий фан соҳасининг предметидаги интеграциялашиш ва дифференциялашиш хусусиятлари; бевосита жамият маънавий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган тарихий онгдаги ўзаро боғланишларига тизимли ёндашиш тенденциясини аниқлаш; маънавий хавфсизликни таъминлаш қонуниятларини ҳар томонлама ўрганиш, унинг тарихий онгни ривожлантиришдаги ўрни; тарихий онгнинг маънавий хавфсизлик элементлари билан ўзаро муносабатларини илмий-амалий жиҳатдан очиқ бериш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Миллий-маънавий хавфсизлик ва уни кафолатли таъминлашнинг замонавий концепцияларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жараёнларида мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Маънавий хавфсизлик бу жамият ҳаётининг маънавий, мафкуравий, ахлоқий ва маданий асосларини ҳимоя қилишдир. Жамият

ҳаётининг барча соҳалари учун ўзига хос хусусиятлар ва давлат параметрларига эга миллий хавфсизликни тизимли равишда изоҳлаш «маънавий хавфсизлик» тушунчасини киритишни талаб қилади, унинг йўналтирувчиси ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, барқарор ва уйғун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ривожланиш ва ҳолатни таъминлаш нуқтаи назаридан мақбул бўлган жамият ҳаётининг маънавий соҳасидир. Шундай қилиб, маънавий хавфсизлик жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва мафкуравий уйғунлиги, асосий мақсадлар ва қадриятларнинг потенциали, шахс, гуруҳ ва ижтимоий манфаатларнинг мувозанати, сиёсий институтларнинг функционал мувофиқлиги мафкура ва маданиятнинг маънавий жиҳатидан, сифат жиҳатидан тавсифланади. Маданиятнинг сиёсий, институционал ва мафкуравий таркибий қисмлари мавжудлиги хавфсизлик фалсафий билимлар доирасида ва уни таъминлаш муаммоларини ўрганишни талаб қилади.

Миллий хавфсизлик яхлит тизимининг пастки тизимларидан бири сифатида кўриб чиқилган ҳолда маънавий хавфсизлик - бу бошқа қуйи тизимлар билан узлуксиз функционал ўзаро алоқада бўлган маънавий соҳадаги омиллар ва оқибатларнинг динамик мажмуасидир. Жамият ҳаётининг маънавий омиллари ижтимоий ҳаракатларнинг ғоявий ва ахлоқий мотивларини шакллантириш тизимида ишлайди. Миллий-маънавий хавфсизлик - замонавий миллий жамиятнинг маънавий соҳаси учун миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш, шу жумладан, маданий, мафкуравий, ахборот, психологик, илмий-техникавий жиҳатдан маънавий қадриятларни ҳимоя қилишнинг миллий хавфсизлиги турларидан биридир.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш миллий, маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш, маданият ва оммавий маданият соҳасидаги таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича давлат, жамоат, диний, расмий рўйхатдан ўтган ва норасмий ташкилотлар, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг доимий, мақсадли, мураккаб ва тизимли фаолияти ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатимиз миллий-маънавий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси замонавий жамиятнинг диний, ахборот, маданий, илмий соҳаларида мавжуд бўлган ва юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш, умумий қоидалар, асосий принциплар, йўналишлар, воситалар ва усулларни белгилашдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси замонавий жамиятни ижтимоий ҳаётнинг маданий, илмий, ахборот ва диний соҳаларида ривожлантириш учун оператив, тактик ва стратегик йўналишларни, мақсад ва вазифаларни аниқлайдиган расман тасдиқланган нуқтаи назар, тамойил ва муносабат тизимини ўзида ифода этади. Маънавий соҳада миллий манфаатлар - бу инсоннинг, жамиятнинг ва давлатнинг ижтимоий, маданий, диний, илмий, маърифий, ахборот ва мафкуравий ижтимоий ҳаётдаги манфаатларининг комбинациясидир. Замонавий жамиятнинг маънавий соҳадаги миллий манфаатлари инсон ва жамиятнинг манфаатларини ҳурмат қилиш асосида шаклланади. Маънавий соҳада миллий

манфаатларни ҳимоя қилиш қуйидагиларга боғлиқ: биринчидан, жамият маънавий ҳаёти ижтимоий онгнинг турфа шакллари орқали намоён бўлиб, унинг ривожланиш даражаси ижтимоий онг шаклларига бевосита боғлиқ; иккинчидан, жамиятнинг маънавий тикланиши ва янгилиниши учун асос, шу жамият вакилларининг маънавий онгига боғлиқдир; учинчидан, жамият янгилинишида тарихий онг муҳим аҳамият касб этиб, маънавий ҳаётнинг ажралмас бир бўлагини ташкил қилади; тўртинчидан, истиқлол туфайли тарихий онг янгича қарашлар ва тафаккур асосларига таяниб янгича маъно ва мазмун касб этмоқда. Бу тарихий онгда маънавий мерос мустақил тафаккур тарзи ва манфаатлари билан узвий боғлиқ умуминсоний демократик тамойилларга асосланиши билан характерланади; бешинчидан, маънавий янгилиниш тарихий онгдаги ўзгаришлар билан узвий алоқадор бўлиб, миллий маданий мерос ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигини таъминлайди. Бу жараён жамият маънавий ҳаётининг янада такомиллашиб, юксалиб боришига тегишли шарт - шароит яратади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш стратегияси ва тарихий онгни юксалтириш омиллари»** деб номланиб, унда миллий-маънавий хавфсизлик стратегияси ва тарихий онгни юксалтиришнинг ижтимоий-маданий омиллари ўрганилиб, миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини ривожлантириш моделлари илмий асосланган.

Миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини ривожлантиришда тарихий онгнинг тутган ўрнини ўрганиш фалсафий жиҳатдан ўзига хос талқин қилиш заруратини юзага келтиради. Миллий мафкура суянадиган маънавиятнинг муҳим кўриниши тарихий онг ҳисобланади. Инсонда тарихий онгнинг шаклланиши жамиятнинг истиқболига, тараққиётига хизмат қилади. Тарихий онгни ривожлантиришда миллатпарварлик ва ватанпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий маънавиятни ўстириш жамиятимизнинг энг асосий вазифаси саналиб, тарихан қисқа давр ичида ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавиятли, меҳр-шафқатли, виждонли ва андишали қилиб тарбиялашга эришилмоқда. Бу борада кўплаб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Жамиятда маънавий хавфсизлик сиёсати тушунчасини структурали-функционал таҳлил қилиш, унинг элементлари, ривожланиш даражалари ўртасидаги боғланишларни очиб берувчи услублар мажмуасига тегишли тарзда ёндошишнинг «назарий қашшоқлиги» маънавиятни ривожлантириш соҳасидаги амалий фаолиятнинг суслигига сабаб бўлиб қолмоқда. XX асрнинг кейинги ўн йилликларида ер куррасидаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий ривожланиш, илмий-техника инқилобининг оқибатлари маънавий хавфсизликни таъминлашнинг янги сифат даражаларини вужудга келтирмоқда. Тарихий тараққиётнинг объектив ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан оламшумул маънавий-ахлоқий муаммолар, инсон маънавий-руҳий ва ахлоқий дунёқарашидаги мураккаб ўзгаришлар ва муаммолар ўзининг оқилона ечимини топишни тақозо этмоқда.



Мамлакатимизга глобллашув жараёни туфайли бозор иқтисодиёти чет эл сармоялари, инвестиция, замонавий техника ва технология бозорини шакллантириш усуллари билан бир қаторда хорижнинг маданияти, турмуш тарзи, дунёқараши ва тасавурларини ҳам олиб кирмоқда. Глобал маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг хавфли жиҳати уларнинг мамлакатимизга кириб келишидаги йўлларнинг деярли очиқлиги, жамиятимизда мафкуравий иммунитетнинг тўлиқ шаклланмаганлиги билан изоҳланади. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги, йўлдош алоқаларининг катта имкониятлари мазкур муаммоларнинг янада чигаллашишига, турли маънавий хавф-хатарларнинг ошишига олиб келмоқда. Шу боисдан, тадқиқотнинг асосий мақсади ҳам бугунги глобал маънавий-мафкуравий хуружларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдан иборат бўлиб, бу бўйича «Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш концепцияси»ни ишлаб чиқиш ҳаётини заруриятдир. Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш – давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, келажакка ишонч билан қадам қўйиш янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим шартлардан биридир.

Давлатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш каби муҳим масалага нафақат давлат бошқарув ва хавфсизлик органлари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат-эътиборини қаратиш лозим. Жамоат ташкилотлари, маҳалла, оила ва таълим институтлари бу жараёнда муҳим ўрин тутаяди. Жамиятда маънавий соғлом муҳитни шакллантириш, ўтмишга ҳурмат ва эътиборда бўлиш, шарқона миллий қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш, ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва миллий ифтихорни ўстириш орқалигина жамиятимиз ўзининг маънавий хавфсизлигини таъминлай олади. Шу сабабли Ўзбекистонда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш бўйича жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда барча ташкилотлар томонидан маънавий-маърифий соҳада ислохотлар, давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Аммо мазкур ишларни бир тизимга солиш ва мувофиқлаштириш замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги ҳаётда янги ҳаётини таъминлаш эҳтимоли эҳтимолроқ.

Ўзбекистонда маънавий хавфсизлик – давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ўтмиш, бугун ва келажакнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлашнинг муҳим шартлардан биридир. Жамиятнинг маънавий хавфсизлиги мамлакатдаги маънавий-ахлоқий соҳаларнинг бугунги ҳолати, жамият маданияти ва ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтириш даражаси билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ҳозирги жамиятнинг маънавий хавфсизлигига путур етказувчи асосий муаммолар қуйидагилардан иборат: жамиятнинг ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий тартибга солиш тизимининг сустлашуви; авлодлараро муносабатларнинг инқирози ва ўзаро ишончсизлик; мафкуравий заифлик ёки ғоявий бўшлиқ; оммавий маданиятнинг турли салбий (қадрият ва анъаналарни емирувчи)

кўринишлари; ижтимоий-демографик инқироз; ёш авлодда хулқ-атвор ва онгнинг чуқур кутбланиши; аҳоли ижтимоий фаровонлигининг пасайиши ва ҳоказо.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда тарихий онгнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари ва потенциал имкониятлари**» деб номланган учинчи бобида ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришда тарихий онг ва хотиранинг ўрни, таълим тизимида тарихий онг ва хотирани мустаҳкамлашнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари ҳамда Ўзбекистоннинг миллий-маънавий хавфсизлик ва тарихий онгни юксалтиришдаги потенциал имкониятлари, стратегик вазифалари таҳлил этилган.

